

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

# BUYRUG'I

2018 yil 11.04

№ 449

Toshkent sh.

### Грипп касаллигининг оғир турлари билан оғриган беморларга ташхис кўйиш ва даволаш чораларини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашни тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3729-сонли қарори ижросини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар режасининг IV боби 8-9 бандлари ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси (Д.С.Мирзабаев), Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Ф.Р.Шарипов), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси (М.Ф.Садиков), Иктисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш бош бошқармаси (Б.Т.Эргашев), Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Б.И.Алматов), Вирусология илмий текшириш институти (Э.И.Мусабаев), Эпидемиология микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти (А.Абдушукуров), Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази (Е.М. Барисова), соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош реаниматологи (Д.М.Сабилов)га:

2018 йил 12 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда гриппнинг оғир турлари билан касалланган беморларга ташхис кўйиш ва даволаш учун диагностика ва вирусга қарши дори воситалари ҳамда ускуналар хариди учун маблағларни ажратиш механизми аниқлансин;

2018 йил 15 августга қадар грипп касаллигини ташхисоти учун экспресс-тестларни ва грипп билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган

нейроамнидаза ингибиторлари гуруҳидаги вирусга қарши дори воситаларини хариди учун тендер ўтказилиши ташкил этилсин;

2018 йил 1 сентябрга қадар экспресс-тестлар ва вирусга қарши дори воситалар тарқатилиши рўйхати тасдиқлансин ва тегишли даволаш-профилактика муассасалари (Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохоналари, перинатал марказлар, Вирусология илмий текшириш институти клиникаси, 1-сонли шаҳар болалар клиник шифохонаси)га тақсимлансин;

2018 йил 20 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохоналари, перинатал марказлари, Вирусология илмий текшириш институти клиникаси ҳамда Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонасининг интенсив терапия ва реанимация бўлимларида ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир турлари билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни инвентаризациядан ўтказиб, керакли бўлган асбоб-ускуналар эҳтиёжи бўйича рўйхат аниқлансин;

2018 йил 1 ноябрга қадар ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир турлари билан касалланган беморларни даволаш учун қўлланиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун тендер ўтказилсин;

2018 йил 20 ноябрга қадар асбоб-ускуналар тарқатилиши рўйхати тасдиқлансин ва тегишли даволаш муассасалари бўйича тақсимлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиқларига:

ҳар бир даволаш муассасада ўткир респиратор инфекцияларни оғир тури билан касалланган беморларга ташхис қўйишда қўлланиладиган экспресс-тестлар ва даволаш учун вирусга қарши дори воситалари ҳамда асбоб-ускуналарни белгиланган тартибда сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун маъсул ходим тайинлансин;

2018 йил 1 октябрга қадар экспресс-тестларни ишлатилиши бўйича тренинглар ва грипп касаллигини даволашда қўлланиладиган вирусга қарши дори воситаларини қўллаш бўйича семинарлар ўтказилсин;

Йил давомида ҳар ойда экспресс-тестлар ва вирусга қарши дори воситаларни ишлатилиши бўйича ҳисобот, экспресс-тест билан текширилган беморларни ўрнатилган тартибда рўйхатга олиш, грипп касаллиги аниқланган беморлар бўйича кунлик ва ойлик ҳисоботларни юритиш ва улар туғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ҳудудий Давлат санитария эпидемиология назорат марказларга тақдим этилиши таъминлансин;

2019 йилнинг 1 майга қадар ишлатилган экспресс-тестлар ва вирусга қарши дори воситаларини қолдиги ва келгуси 2019 -2020 йиллар грипп

мавсумига экспресс-тестлар ҳамда вирусга қарши дори воситаларининг эҳтиёжи аниқлансин ва захира талабномаси тузилсин.


3.Соглиқни сақлаш вазирлиги Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСЭНМлари бош врачларига:

Ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир турлари билан касалланган беморларга ташхис қўйиши ва даволашда қўлланиладиган экспресс-тест ва вирусга қарши дори воситаларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб бориласин ҳамда грипп касаллиги аниқланган беморларни рўйхатга ва ҳисобга олиниши таъминлансин;

2019 йил 1 майга қадар грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар мавсуми давомида вирусга қарши ишлатилган дори воситалар ва ташхис қўйиши учун ишлатилган экспресс-тестлар, текширилган ва касаллик аниқланган беморлар тўғрисида СЭНБга ҳисобот тақдим этилиши таъминлансин.

4.Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.К. Юсупов, вазир ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария врачси С.С. Саидалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов